

Бир аскар йўлда кетиб борарди: Бир-икки! Бир-икки! Оркасида халтаси-ю ёнида киличи. У, урушдан уйига кайтмоқда эди. Йўлда унга жуда хунук ва қари бир жодугар кампир учради. Унинг пастки лаби кўкрагига осилиб тушган эди.

— Салом, аскар! — деди жодугар кампир. — Жуда катта хал-танг ва ажойиб киличинг бор экан! Чиндан ҳам азамат аскар экансан! Хар томонлама дуруст экансан-у, бироқ чўнтакла-ринг бўш экан. Истасанг, сенга пул берай, аскар!

— Рахмат, жодугар кампир. Пулдан ахмоқларгина бош тортадилар, — деди солдат ва чўнтагини тутди.

— Йўгей! — деди жодугар кампир, — бир оз сабр кил. Хов анави катта дарахтни кўряпсанми? — Кампир шу яқиндаги бир дарахтни кўрсатди. — Унинг ичи бўш. Дарахтга чик, тепасида қаваги бор, шу қавакка кир-да, энг пастига туш. Мен бўлсам сенинг белингга аркон боғлайман ва қачон торт деб кичкирсанг, тортиб оламан.

— Мен бу қавакка кириб нима киламан? — деб сўради аскар.

— — Пул олиб чиқасан, — деди жодугар кампир. — Бу дарахт оддий дарахтлардан эмас. Сен унинг энг тагига тушганингда, узун ерости йўлни кўрасан. У ер жудаям ёруғ, кеча-кундуз юзлаб лампалар ёниб туради. Ерости йўли билан тўппа-тўгри кетавер. Энг охирига етганингда учта эшикка дуч келасан. Эшикларнинг қалити оғзида туради. Бурасанг, эшик очилиб кетади.

Биринчи уйга киришинг биланок, каттакон сандикни, унинг устида бўлса бир ит ўтирганини кўрасан. Бу итнинг кўзлари худди пиёладай келади. Лекин сен кўркма! Мен сенга ўзимнинг кўк катакли фартугимни бераман, уни ерга ёзгин, итни кўркмасдан ушлаб ол-да, дарров уни фартугим устига ўтқиз. Ундан сўнг сандикни очгин-да, пулларни хохлаганингча ол. Лекин бу сандикда фақат чака пуллар бор, холос. Агар кумушини хохласанг, иккинчи уйга кир. У уйда ҳам сандик бор. Сандик устида кўзлари худди тегирмон тошидай келадиган ит ўтиради. Лекин сен ундан сира кўркма. Уни тутиб ол-да, фартукка ўтқиз, сўнгра кумуш пулларни олабер. Агар хохласанг, истаганингча тиллага ҳам эга бўла оласан. Бунинг учун учинчи уйга кирсанг, бас. Учинчи уйнинг ўртасида тилла билан лик тўла сандик туради. Сандикнинг устида ўтирган ит шундай каттаки, унинг хар бир кўзи гумбаздай келади. Уни менинг фартугимга ўтказа олсанг — сенинг бахтинг: ит сенга тегмайди. Кейин истаганингча тиллаларни олаверасан.

— Бу-ку, яхшику-я, — деди аскар, — лекин сен булар эвазига мёндан нима оласан, жодугар? Ахир, мёндан бирор нарса керакдир сенга.

— Мен сёндан бир чака ҳам олмайман, — деди жодугар кампир. — Фақат сен мёнга бувим пастга охирги марта туш-ганида унутиб қолдирган эски чакмоктошни олиб чиқиб берсанг бўлгани.

— Хўп, майли, белимга аркон боғла! — деди аскар.

— Бўлди! — деди жодугар кампир. — Ма, катакли фартугимни ол.

Аскар дарахтга чиқди. Қавакнинг ичига тушди. Хаммаси жодугарнинг айтганидек бўлиб чиқди: аскар кўрса — йўлак кун-дуз кундай ёруғ, унда юзларча лампалар ёниб турар эди.

Аскар тўппа-тўгри бориб йўлакнинг охирига етди. Ундан нари йўл йўқ эди. Аскар оғизларида қалитлари бўлган уч эшикни кўрди.

Аскар биринчи эшикни очиб, ичкари кирди. Уйнинг ўртасидаги сандикда кўзлари пиёладай бир ит ўтирар ва аскарга тикилар эди.

— Жуда ажойиб-ку! — деди аскар, у итни ушлаб олиб жодугарнинг фартугига ўткизди. Ит шу чок жим бўлиб колди; аскар сандикни очди-да чўнтақларини чакага тўлгазди. Кейин сандикни ёпди, итни кайтадан унинг устига ўткизди, ўзи бўлса иккинчи уйга караб жўнади.

Жодугар кампир тўгри айтган экан — бу уйдаги сандик устида кўзлари тегирмон тошидай бир ит ўтирарди.

— Хўш, нега менга бунчалик ўкрайдинг? Яна ола кўзларинг кинидан чикиб кетмасин! — деди аскар ва итни тутиб олиб, жодугар кампирнинг фартугига ўткизди, ўзи бўлса сандикка ёпишди.

Аскар сандикдаги кумуш пулларни кўрди-ю, чўнтақларидан чака пулларни олиб ташлади. Кейин хар икки чўнтагини ва халтачасини кумуш билан тўлгизди. Ниҳоят аскар учинчи уйга кирди. Кириши биланок огзи очилиб колди. Бутун бир мўжиза! Уйнинг ўртасида олтин сандик турарди, сандикнинг устидаги итнинг кўзлари икки гумбаздай келар ва энг тез юра-диган арава гилдирагидай айланарди.

— Салом алайкум! — деди аскар ва гўё генералга салом бергандай оёқларини уриб таъзим килди.

Лекин аскар узок караб турмади. Итни бирданига кўтариб олди-да, жодугар кампирнинг фартугига ўткизди, ўзи эса сандикни очди. ўх-хў! Бу ерда шунча тилла бор эканки, бу тиллаларга бутун бир шаҳарни, бутун ўйинчоқларни, барча калайи аскарчаларни, хамма ёғоч отчаларни ва дунёдаги хамма ширин кулчаларни сотиб олса бўларди. Хаммасига етиб ортарди!

Шу ерда аскар чўнтақларидаги ва халтачасидаги кумуш пулларни олиб ташлади-да, икки кўллаб сандикдан тиллани ховучлай бошлади. У тилиа билан чўнтақларини, халтачасини, шапкасини ва этик кўнжиларини тўлдирди. Тилланинг огирлигидан аскар зўр-базўр ўрнидан турди. Энди у пулдор бўлган эди!

У итни яна сандикка ўткизди, кейин эшикни ёпди-да, юкорига караб:

— Хай, мени тортиб ол, жодугар кампир! — деб бакирди.

— Чакмок тошимни олдингми? — деб сўради жодугар кампир.

— Ростдан хам сал бўлмаса чакмоктошингни унутаёзган эканман! — деди солдат ва оркасига кайтиб чакмоктошни олди.

— Кани, торт! Сенинг чакмоктошингни топдим! — деб кичкирди у жодугар кампирга. Жодугар уни юкорига тортиб чикарди, аскар яна катта кўчага чикиб олди.

— Кани, чакмоктошни бер-чи менга! — деди жодугар кампир.

— Сенга бу чакмоктош нимага керак, жодугар кам-пир? — деб сўради аскар.

— Нима ишинг бор! — деб жавоб берди жодугар. — Сен ахир пулларни олдинг-ку, менга чакмоктошни берда энди.

— Ха, ёкадими, — деди аскар. — Чакмоктошинг сенга нима кераги бор? Хозир айт, бўлмаса килич билан бошингни узиб ташлайман.

— Айтмайман! — деди жодугар кампир.

Шунда аскар киличини чиқариб жодугар кампирнинг калласини кесиб ташлади, жодугар кампир ерга йикилди-ю, шу ондаёқ жон берди. Аскар бўлса, жодугаминг катакли фартугига ўзининг хамма пулларини тугди-да, тугунини оркалаб, тўгри шаҳарга караб йўл олди.

Шаҳар катта ва ажойиб эди. Аскар энг катта мусофирхонага бориб тушди, ўзига энг яхши уйларни ижарага олди ва ўзининг энг севган таомларининг барчасини келтиришни буюрди — ахир у энди бадавлат бўлиб колган эди-да!

Унинг этигини тозалаётган хизматкор, шундай бой жаноб-нинг бундай эски этик кийганига хайрон колди — ахир хали аскар янгисини олиб улгурмаган эди-да. Лекин эртаси куни у ўзига энг яхши кийимлар — пат сукилган шляпа ва жаранглайдиган шпори бор этик сотиб олди.

Енди аскар хакикий тўра бўлиб олди. Унга бу шаҳарда бўлган бутун мўжизалар хакида хам, кирол ва унинг кизи мали-ка хакида хам сўзлаб бердилар.

— Бу маликани кандай килиб кўрса бўлади? — деб сўради аскар.

— Кўришнинг ҳеч иложи йўк, — деди унга. — Малика баланд деворлар ва тош миноралар билан ўралган катта бир мис кўргонда яшайди. У ерга киролдан бошқа ҳеч ким на кира олади ва на чика олади, негаки киролга кизининг пешонасига оддий бир аскарнинг хотини бўлишлик ёзиб кўйилган, деб айтганлар. Киролга эса оддий бир аскарга кайнота бўлиш, албатта, ёкмайди. Шунинг учун хам у маликани ёпик жойда сақлайди.

Маликани кўриш мумкин бўлмаганлигига аскар анча ачинди, шундай бўлса-да узок кайгурмади. У маликаси хам жуда шод кун кечирди: театрларга борди, кирол богида сайр килди ва камбагалларга пул улашди — ахир у, чўнтагида бир чакасиз юришнинг кандай ёмон эканини ўз бошидан кечирган эди-да!

Демак, аскар бой экан, яхши яшаб, яхши кийинаркан, шундай бўлгандан кейин унинг огайнилари хам кўпайди. Хаммалари уни яхши йигитча, хакикий тўра деб атардилар, бу эса унга жуда ёкарди.

Шундай килиб аскар пулларини аямай сарф килаверди ва бир кун караса чўнтагида хаммаси бўлиб икки чака колипди, холос. Шундан кейин аскар яхши уйдан томнинг кок тагида-ги тор хужрага кўчиб чиқишга мажбур бўлди. Кечирган кун-ларини яна эслади: этигини ўзи тозалади ва ундаги йиртиқларни ўзи ямади. Огайниларидан ҳеч кайсиси ортик уни келиб кўрмай-диган бўлди, чунки унинг олдига чиқиш учун жуда баландга кўтарилиш керак эди.

Бир кун кечкурун аскар ўз хужрасида ўтирарди. Кун корайиб кетди, унинг хатто шамга хам пули йўк эди. Шу чок жодугар кампирнинг чакмоктоши эсига тушиб колди. Аскар чакмоктошни олди-да, ўт чикара бошлади. У ўтчакарга урган эди хамки, эшик ланг очилиб кетди ва худди кўзлари пиёладай бўйланган ит чошиб кирди. Бу ит аскарнинг ер остидаги биринчи уйда кўрган ити эди.

— Нима буюрасан, аскар? — деб сўради ит.

— Ие, мана буниси ажойиб бўлди-ку! — деди аскар. — Чакмоктошнинг бирор хикмати бор кўринади. У мени ёмон кунлардан кутказмасмикан? Кани, менга пул келтир-чи! — деб буюрди итга ва... — бир! дегунча ит гойиб бўлди, — икки дейиши билан ит дархол хозир бўлди, унинг тишида чака пуллар тўла каттакон бир халта бор эди.

Аскар ўзидаги чакмоктошнинг кандай ажойиб нарса эканини энди тушунди. ўтчакарга бир марта урса, бас эди — чака пул тўла сандикда ўтирган — кўзлари пиёладай ит хозир бўлар эди, икки марта урса-чи — кўзлари тегирмон тошидек келадиган ит, уч марта урса — хар бир кўзи гум-баздай келадиган ит унинг олдида хозир бўларди. Биринчи ит унга чака, иккинчиси эса кумуш пулларни, учинчиси тоза тилла келтирарди.

Аскар яна бойиб кетди, у энг яхши уйларга кўчиб чик-ди, яна олифта кийимлар кийиб юрадиган бўлди. Унинг хамма огайнилари яна уникага кела бошладилар ва уни жуда яхши кўриб колдилар.

Бир кун аскарнинг бошига бир ўй келди: «Хўш, нега мен маликани кўрмайин? Хамма уни жуда чиройли деб таърифлайди-ку. Агар у ўз умрини мис кўргонда, баланд деворлар ва

миноралар ичида ўтириб ўтказса, бундан нима фойда? Кани, менинг чакмоктошим кайда?»

ўтчакарга бир марта урган эди, шу оннинг ўзидаёк кўзлари пиёладай ит хозир бўлди.

— Гап бундай, азизим! — деди аскар. — Энди рости, кеч бўлиб колди. Аммо мен бир нафас бўлса-да маликани кўрмок истайман. Кани, жўнаб кол!.. — Ит шу ондаёк чопиб кетди ва аскар кўз очиб юмгунча кайтадан хозир бўлди, унинг устида эса ухлаганича малика ётарди.

Малика жуда хам ажойиб ва гўзал эди. Биринчи карашда-ёк унинг чинакам малика эканлиги кўринарди, буни кўрган аскар, уни ўпишдан ўзини сира тўхтатолмади. Ахир у бошидан товонигача жасоратли йигит бўлган чин аскар эди-да!

Кейин ит маликани кандай олиб келган бўлса, шундай элтиб кўйди.

Ерталабки чой вақтида малика ит билан аскар хақида жуда галати туш кўрганини кирол билан кироличага сўзлаб берди, гўё у итнинг устида ётиб борар эмиш ва кандайдир аскар уни ўпган эмиш.

— Буниси нимаси? — деди киролича, бу туш унга унчалик ёкмади.

Ертаси кун кечаси маликанинг ётар жойига қари бир канизакни пойлоқчи қилиб кўйдилар. ўша гап хақиқатан хам туш эдимиз ёки бошка бир нарса эканини билиб олиш керак эди.

Аскар эса яна гўзал маликани ўлгудек соғиниб колди. Шундай қилиб кечаси мис кўргонда кечаги ит пайдо бўлди, маликани кўтариб олиб, кучининг борича югурди. Шу он қари канизак сув ўтмайдиган этигини қийиб унинг ортидан кува кетди. Ит малика билан катта бир уйга кириб кетганини кўриб, канизак: «Энди биз муттахамни топа оламиз», деб ўйлади ва уйнинг дарвозасига бўр билан катта бутнинг расмини солди, ўзи бўлса, бемалол уйига ухлагани кетди. Лекин ит маликани кайтариб элтаётганида дарвозадаги бутни кўриб колди ва шу ондаёк нима гап эканини пайкади. У, бир бўлак бўр олиб, шаҳарнинг барча дарвозаларига бут аломатини кўйиб чикди. Бу жуда пухта ўйланган эди: энди канизак керак бўлган дарвозани ҳеч бир кимса топа олмас эди — ахир ҳамма дарвозага бутнинг расми чизилган эди.

Ерта азонда кирол билан киролича кекса канизак ва бутун офитсерлар билан бирга маликанинг кечаси итга миниб каёкка борганини кўрмок учун жўнадилар.

— Мана бу ерга келган экан! — деди кирол биринчи эшикдаги бут аломатини кўриб.

— Йўк, мана бу эшикка келган! — деди киролича бошка дарвозадаги бутни кўриб.

— Анави ерда хам бут, бу ерда хам! — дедилар офитсер-лар. Улар қайси дарвозага карамасинлар, хаммасида хам бўр билан чизилган бут аломати бор эди. Шундай қилиб, ҳеч қан-дай натижага эриша олмадилар.

Аммо киролича факат аравага тушиб юрувчигина эмас, балки ҳамма нарсага акли етадиган уста бир хотин эди. У хизматкорларига ўзининг тилла қайчисини ва бир парча шохи келтиришни буюрди, кейин кичкинагина чиройли халтача тикди. Сўнгра бу халтачага кора бугдойнинг кепагини солди ва уни маликанинг оркасига билинтирмай боглаб кўйди. Ундан кейин малика аскарнинг олдига бораётганда йўлма-йўл оз-озгина сепилсин учун халтачани тешиб кўйди.

Кечаси ит яна пайдо бўлди, маликани ўзининг елкасига миндириб аскарга элтди. Аскар эса маликани шундай яхши кўриб колдики, жони-дили билан унга уйланишни ва шахзода бўлишни орзу қилди.

Ит жуда тез чопди, у кепакнинг мис кўргондан тортиб аскарнинг уйига қадар бутун йўл бўйи тўкилиб борганини ҳеч бир сезмади.

Ерталаб кирол билан киролича саройдан чикдилар, йўлга карадилар ва дархол маликанинг каёкка борганини билдилар. Аскарни тутиб, камокхонага каматиб кўйдилар. Аскар панжара оркасида узок ўтирди. Камокхона жуда коронги ва кўнгилсиз эди. Бир кун коровул, аскарга:

— Эртага сени осадилар, — деди.

Аскар кайгурди. ўлимдан кандай килиб кутилиш йўИини роса ўйлади, аммо ўйлаб-ўйлаб хеч нарса тополмади. Ахир аскар ўзининг ажойиб чакмоктошини уйда унитиб колдирган эди-да.

Ертаси куни эрталаб аскар кичкина туйнукча ёнига бориб, темир панжара орасидан кўчага каради. Халк аскарни кандай килиб ошишларини кўриш учун тўда-тўда бўлиб шахар четига бораётган эди. Дўмбиралар чалинди, лашкарлар ўтди. Шу вақтда камокхонанинг ёнидан тери фартукли, яланг оёкларига туфли кийган кандайдир бир ямокчи бола чопиб ўтди. У сакраб-сакраб чопарди, бирдан унинг бир туфлиси чикиб кетиб, тўгри аскар ётган камокхонанинг панжарасига келиб урилди.

— Хай, йигитча, шошилма! — деб кичкирди аскар. — Мен хали бу ердаман, менсиз у ерда хеч иш килишолмайди! Агарда сен менинг уйимга чопиб бориб, чакмоктошни олиб келсанг, мен сенга тўрт танга бераман. Кани, тез бўл! Оёгингни кўлингга олиб югур! Йигитча тўрт тангани олишдан тоймасди, чакмоктошни келтириш учун ўкдай отилди, уни тезда олиб келди, аскарга топширди ва...

Бундан нима келиб чикканини эшитинг.

Шахар чеккасида дор курилган. Унинг атрофида аскарлар ва тўда-тўда халк турарди. Кирол ва киролича хайбатли тахтда ўтирардилар. Каршида судялар ва кенгашчилар ўтирарди. Шу онда аскарни дор зинасига келтирдилар, жаллод унинг бўйнига сиртмокни солмокчи эди, аскар бир минут сабр килишни сўради...

— Мен бир тамаки чекиб олай, ахир бу менинг хаётимда энг сўнгги чекиш бўлади-да, — деди.

Бу мамлакатда шундай бир одат бор эди: гунохкорни жазоламасдан илгари хамма вақт унинг кандай бўлмасин бир арзимаган талабини бажо этардилар.

Шунинг учун кирол аскарнинг сўзини кайтаролмади. Аскар ўзининг чакмоктошини чиқариб ўтчакарга бир урди, икки урди, уч урди — бирдан унинг олдида учала ит пайдо бўлди: бирининг кўзи пиёладай, иккинчисиники тегирмон тошидай, учинчисиники — гумбаздай эди.

— Кани, сиртмокдан кутилишга ёрдам килинг! — деди уларга аскар.

Шу чоғ хар уч ит судяларга ва кенгашчиларга ташланди: унисининг оёгидан, бунисининг бурнидан тишлаб, бир неча метр баландга отдиларки, ерга тушиш билан хаммалари чил-парчин бўлиб кетдилар.

— Мени кўйинг! Мен истамайман! — деб кичкирди кирол, лекин энг катта ит уни киролича билан бирга ушлаб олиб, хар иккаласини хам осмонга иргитди. Аскарлар хам кўркиб кетди, халк бўлса:

— Яшасин аскар! Аскаржон, бизнинг киролимиз бўл, чи-ройли маликани ўзингга хотинликка ол! — деб кичкирди.

Аскарни кирол аравасига ўткиздилар, уч ит бўлса арава олди-да ўйин тушиб, «яшасин» деб вовиллашарди... Болалар хуштак чалардилар, аскарлар эса кўлларини кўтариб, таъзим килардилар. Малика мис кўргондан чикди ва киролича бўлди. Албатта, у жуда хурсанд эди.

Тўй базми бир хафтага чўзилди. Уччала ит столда ўтириб едилар, ичдилар ва

Ўзларининг каттакон кўзларини ўйнатдилар.